



2019 йил “16” декабрь

№ 422/5-48

Термиз ш.

**Сурхондарё вилоятининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини  
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун вилоят маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши, қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилги Сурхондарё вилояти (кейинги ўринларда Вилоят деб аталади) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 839,1 млрд.сўм миқдоридан тасдиқланганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2019 йил 13 декабрдаги 13/2-1679-сонли хати билан хулоса олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;
- айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим;
- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

- харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма

қилинган 100 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

- электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий ҳокимликлар активлари бўйича давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар ва дивидендлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

г) қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлиғича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

- цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

- электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- айланмадан олинадиган солиқ.

3. Қонунга асосан вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) шаҳар ва туманлардан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади;

б) вилоятнинг вилоят бюджетидан:

- вилоят ирригация тизимлари хавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва ва энергетика бошқармалари;

- иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш харажатлари;

- умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

- давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарлар молиялаштирилади.

в) шаҳар ва туманлар бюджетидан:

- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

- давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар ва туманлар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йилги вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун Вилоятнинг вилоят бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2020 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун Вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари **38,1 млрд. сўм** миқдоридан белгилансин.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари захира жамғармалари маблағларини Вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган

харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. 2020 йил учун Вилоятнинг вилоят бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар 17 млрд. 260 млн. сўм миқдорда ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Вилоятнинг вилоят бюджети, шаҳар ва туманлар бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар тегишинча вилоят ҳамда туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари таклифларига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилишини инобатга олган ҳолда тегишли Кенгашлар қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

12. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

Вилоят ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан вилоят Кенгаши мурожаатини тайёрласин.

13. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштиради;

маҳаллий бюджетларнинг кўшимча даромадларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

15. Вилоят ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини вилоят Кенгашига берилишини таъминласин.


16. Республика вазирлик ва идоралари, шунингдек вилоят бошқарма ва ташкилотлари ишчи гуруҳлари томонидан туман ва шаҳарларда ўтказиладиган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилаётган “Йўл харита”лари, баёнлари билан тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

17. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чоратадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

18. Вилоят ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



А.Артиков



Халқ депутатлари  
Сурхондарё вилояти Кенгашининг  
2019 йил «16» декабрдаги  
3275/48-сонли қарорига  
1-илова

**Сурхондарё вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари  
прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2021-2022 йилга мўлжаллари**

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	25 769
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	4,8
3.	Истеъмол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10,0
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	9,5
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,5
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	5,5



Халқ депутатлари  
Сурхондарё вилояти Кенгашининг  
2019 йил « 16 » декабрдаги  
322/5-48-сонли қарорига  
2-илова

**Сурхондарё вилоятининг вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг  
2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари**

минг сўмда

<b>Т/Р</b>	<b>Даромад турлари</b>	<b>Жами</b>
<b>I.</b>	<b>Маҳаллий солиқ ва тушумлар</b>	<b>800 589 959,0</b>
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	82 537 000,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	563 117 171,0
3	Акциз солиғи	43 634 684,0
	шу жумладан:	
	Яқуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	43 634 684,0
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 198 230,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	3 466 462,0
6	Давлат божи	57 038 000,0
7	Жарималар	33 832 000,0
8	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	2 392 000,0
9	Йиғимлар	12 374 412,0
<b>II.</b>	<b>Республика бюджетидан ажратилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар</b>	<b>839 107 176,0</b>
<b>Даромадлар ҳаммаси</b>		<b>1 639 697 135,0</b>



Халқ депутатлари  
Сурхондарё вилояти Кенгашининг  
2019 йил «16» декабрдаги  
322/5-43-сонли қарорига  
3-илова

2020 йил учун Сурхондарё вилояти бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда


Харажатлар миқдори, Жами		1 639 697 135,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 141 383 968,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	29 778 900,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	468 534 267,0
<b>1.</b>	<b>Халқ таълими бошқармаси</b>	<b>108 109 223,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	108 109 223,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>2.</b>	<b>Мактабгача таълим бошқармаси</b>	<b>2 721 556,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 721 556,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>3.</b>	<b>Ўрта махсус касб ҳунар таълим бошқармаси</b>	<b>798 819,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	798 819,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>4.</b>	<b>Соғлиқни сақлаш бошқармаси</b>	<b>262 186 804,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	262 186 804,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>5.</b>	<b>Маданият бошқармаси</b>	<b>26 567 365,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	26 567 365,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>6.</b>	<b>Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси</b>	<b>21 079 849,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	21 079 849,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>7.</b>	<b>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси</b>	<b>2 895 740,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 895 740,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>8.</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги бошқармаси</b>	<b>3 342 726,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	



<b>Харажатлар миқдори, Жами</b>		<b>1 639 697 135,0</b>
	жорий харажатлар	3 342 726,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>9.</b>	<b>Ирригация тизимлари хавза бошқармаси</b>	<b>469 724 697,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	469 724 697,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>10.</b>	<b>Ўрмон хўжалик бошқармаси</b>	<b>8 925 308,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	8 925 308,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>11.</b>	<b>Транспорт департаменти</b>	<b>2 090 223,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 090 223,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>12.</b>	<b>Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси</b>	<b>14 350 318,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	14 350 318,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>13.</b>	<b>Инвестициялар бош бошқармаси</b>	<b>5 142 941,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 142 941,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>14.</b>	<b>Туризмни ривожлантириш департаменти</b>	<b>632 963,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	632 963,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>15.</b>	<b>Ветеринария бошқармаси</b>	<b>4 863 343,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 863 343,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>16.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси</b>	<b>1 283 097,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 283 097,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>17.</b>	<b>Кимматли коғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг ҳудудий бошқармаси</b>	<b>128 553,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	128 553,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>18.</b>	<b>Меҳнат бош бошқармаси</b>	<b>876 192,0</b>

<b>Харажатлар миқдори, Жами</b>		<b>1 639 697 135,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	876 192,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>19.</b>	<b>Қурилиш бош бошқармаси</b>	<b>1 945 174,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 945 174,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>20.</b>	<b>Адлия бошқармаси</b>	<b>2 492 720,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 492 720,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>21.</b>	<b>Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси</b>	<b>36 911 852,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	7 132 952,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	29 778 900,0
<b>22.</b>	<b>Молия бош бошқармаси</b>	<b>505 107 617,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	36 573 350,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	468 534 267,0
<b>22.</b>	<b>Ғазначилик бошқармаси</b>	<b>6 689 076,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	6 689 076,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>22.</b>	<b>Пенсия бошқармаси</b>	<b>874 265,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	874 265,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>23.</b>	<b>Ободонлаштириш бошқармаси</b>	<b>85 830 078,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	85 830 078,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>24.</b>	<b>Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари</b>	<b>1 191 280,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 191 280,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>25.</b>	<b>Давлат ҳокимият органлари</b>	<b>43 654 659,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	43 654 659,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>26.</b>	<b>Ижтимоий мослашув марказлари</b>	<b>505 736,0</b>


<b>Харажатлар миқдори, Жами</b>		<b>1 639 697 135,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	505 736,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>27.</b>	<b>Нуроний жағармаси</b>	<b>552 615,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	552 615,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>28.</b>	<b>Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси</b>	<b>1 158 444,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 158 444,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>29.</b>	<b>Монолияга қарши қурашиш бошқармаси</b>	<b>953 975,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	953 975,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>30.</b>	<b>Автомобил йўллар бошқармаси</b>	<b>1 489 028,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 489 028,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>31.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилояти бошқармаси</b>	<b>5 669 078,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 669 078,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>32.</b>	<b>Давлат архиви бошқармаси</b>	<b>1 894 999,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 894 999,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>33.</b>	<b>Агрокимё станцияси</b>	<b>4 740 805,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 740 805,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>34.</b>	<b>Бошқа ташкилотлар</b>	<b>2 316 017,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 316 017,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	



Умумдаволат солиқларидан шахар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

		Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ақдиз солиғи: - бензин, дизел ёқитғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўловлари
Т/Р	Шахар ва туманлар номи														
1	Термиз шаҳри	100	100	100	100	100	35	70	100	100	100	70	100	100	100
2	Олтинсой тумани	100	100	100	100	100	90	100	100	100	100	100	100	100	100
3	Бойсун тумани	100	100	100	100	100	70	100	100	100	100	100	100	100	100
4	Бандихон тумани	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
5	Музработ тумани	100	100	100	100	100	40	50	100	100	100	50	100	100	100
6	Денов тумани	100	100	100	10	100	90	100	100	100	100	100	100	100	100
7	Жаркўрғон тумани	100	100	100	15	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
8	Қумкўрғон тумани	100	100	100	65	100	20	100	100	100	100	100	100	100	100
9	Қизилқум тумани	100	100	100	55	100	30	100	100	100	100	100	100	100	100
10	Сарjosиё тумани	100	100	100	45	100	45	100	100	100	100	100	100	100	100
11	Термиз тумани	100	100	100	60	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
12	Узун тумани	100	100	100	100	100	80	100	100	100	100	100	100	50	100
13	Шўрчи тумани	100	100	100	45	100	70	100	100	100	100	100	100	50	100
14	Шеробод тумани	100	100	100	15	100	60	100	100	100	100	100	100	100	100
15	Ангор тумани	100	100	100	65	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Фойз ҳисобида



Халқ депутатлари  
Сурхондарё вилояти Кенгашининг  
2019 йил «16» декабрдаги  
22/5-48-сонли қарорига  
5-илова

**Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг  
чегаравий ҳажми**

Худуд номи	Даромад	Харажат
<b>ЖАМИ</b>	<b>940 990 041,0</b>	<b>1 409 524 308,0</b>
Термиз шаҳри	60 095 917	89 891 332
Олтинсой тумани	67 590 260	101 445 679
Бойсун тумани	54 038 043	81 248 826
Бандихон тумани	24 091 115	40 292 315
Музработ тумани	52 643 661	79 143 685
Денов тумани	113 260 378	168 102 216
Жарқўрғон тумани	73 305 820	109 051 168
Кумқўрғон тумани	73 979 720	110 300 578
Қизириқ тумани	40 892 726	60 879 398
Сариосиё тумани	85 197 926	127 800 828
Термиз тумани	43 633 466	65 245 041
Узун тумани	64 983 961	97 560 956
Шўрчи тумани	67 512 770	100 622 994
Шеробод тумани	70 608 914	104 807 112
Ангор тумани	49 155 364	73 132 180



Халқ депутатлари  
Термиз вилояти Кенгашининг  
2019 йил « 16 » декабрдаги  
32275/48-сонли қарорига  
6-илова

**Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йилги юқори  
бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро  
трансфертлар миқдорлари**

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
<b>ЖАМИ</b>	<b>468 534 267,0</b>
<i>шундан</i>	
Термиз шаҳри	29 795 415,0
Олтинсой тумани	33 855 419,0
Бойсун тумани	27 210 783,0
Бандихон тумани	16 201 200,0
Музработ тумани	26 500 024,0
Денов тумани	54 841 838,0
Жарқўрғон тумани	35 745 348,0
Қумқўрғон тумани	36 320 858,0
Қизирик тумани	19 986 672,0
Сариосиё тумани	42 602 902,0
Термиз тумани	21 611 575,0
Узун тумани	32 576 995,0
Шўрчи тумани	33 110 224,0
Шеробод тумани	34 198 198,0
Ангор тумани	23 976 816,0

Халқ депутатлари  
Сурхондарё вилояти Кенгашининг  
2019 йил « 16 » декабрдаги  
322/5-48-сонли қарорига  
7-илова

**Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам  
маблағлар миқдори**

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Миқдор
	<b>ЖАМИ</b>	<b>17 260 510,0</b>
	<i>шундан</i>	
1	Вилоят бюджети	5 264 740,0
2	Термиз шаҳри	993 960,0
3	Олтинсой тумани	743 330,0
4	Бойсун тумани	698 450,0
5	Бандихон тумани	355 880,0
6	Музработ тумани	697 510,0
7	Денов тумани	1 420 730,0
8	Жарқўрғон тумани	911 230,0
9	Қумқўрғон тумани	800 940,0
10	Қизирик тумани	515 650,0
11	Сариосиё тумани	1 001 710,0
12	Термиз тумани	697 670,0
13	Узун тумани	810 870,0
14	Шўрчи тумани	790 460,0
15	Шеробод тумани	836 180,0
16	Ангор тумани	721 200,0